

Ўзбекистон Президенти Россия делегациясини қабул қилди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 октябрь куни мамлакатимиздаги Президент сайловини кузатиш учун келган россиялик кузатувчилар делегациясига бошчилик қилаётган Россия Федерацияси Федерал Кенгаши Давлат Думаси кўмитаси раиси Леонид Калашниковни қабул қилди.

Россия парламенти вакили Ўзбекистон етакчисини Президент сайловида ишончли ғалабага эришгани ва сайлов кампанияси муваффақиятли ўтказилгани билан дилдан қутлади.

Сайлов жараёнларини илғор халқаро амалиёт ва стандартларга мувофиқ тайёрлангани ва ташкил этилгани борасида қилинган ишлар юксак баҳоланди.

Ўзбекистон-Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш, кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Парламентлар ўртасида яқин ва сермахсул мулоқот йўлга қўйилгани мамнуният билан қайд этилди.

Савдо, инвестиция, таълим, туризм ва маданият соҳаларидаги икки томонлама шерикликни, шунингдек, МДҲ маконидаги минтақавий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни мустақамлаш учун катта имкониятлар борлиги таъкидланди.



Манба